УШБУ СОНДА:
2 АДОВАТ ЭМАС, АДОЛАТ ЕНГАДИ
3 XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 ФИРИБГАРЛИК ТУЗОҒИ
ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 38 (493) 2006 йил 26 сентябрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Муаллифнинг асарни таржима қилишга ва қайта ишлашга бўлган мутлақ ҳуқуқлари таржима қилинган ёки қайта ишланган асарга нисбатан ушбу Қонун 19-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Муаллифнинг дизайнерлик, архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш лойиҳаларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари бундай лойиҳаларни амалда рўёбга чиқаришни ҳам ўз ичига олади. Қабул қилинган архитектура лойиҳасининг муаллифи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачидан қурилишга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда бино ёки иншоотини қуриш чоғида ўз лойиҳасини рўёбга чиқаришда қатнашиш ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

БАРКАМОЛ АВЛОД САОДАТИ

Истиқлол йилларида юртимиз чиройини очиб юборган кенг ва равон йўллар, муаззам кўприклар, замонавий меъморий иншоотлар, мўътабар зиёратгоҳлар, серфайз боғу бўстонлар барпо этилди. Кўнгилга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган бу беқиёс ишлар орасида, ҳеч шубҳасиз, таълим тизимидаги ислоҳотлар алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, «Таълим-тарбия, энг аввало, онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».



Мамлакатимизда миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтаришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Зеро, мазкур соҳа Ўзбекистонда жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Дастлаб таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий пойдевори Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва **"Таълим тўғрисида"**ги қонунда ўз ифодасини топди. Асосий қонунимизда бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши белгиланди. Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда ташкилий тузилмаларнинг самарали фаолияти муҳимдир. Республиканинг интеллектуал ва илмий имкониятини ривожлантириш, ўзининг жамият, оила ва давлат олдидаги масъулиятини англайдиган, ҳар томонлама етук, эркин шахсни шакллантириш мақсадида таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи идоралар шакллантирилди, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида»**ги қарори билан 1994 йилдан бошлаб олий ўқув юртлари, барча турдаги ўрта махсус ўқув юртларига абитуриентларнинг билимларига баҳо беришнинг тест усули жорий этилди. Тест усулининг жорий этилгани абитуриентларнинг замонавий илм-фан ютуқлари билан қуролланиши, муайян соҳага тааллуқли фанларни пухта ўзлаштиришга имконият яратди. Энг муҳими, тест усули ижтимоий адолат ва таълим соҳасида ижобий рақобатни кучайтиришга хизмат қилди.

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичи, шубҳасиз, 1997 йилдан бошланди. **"Таълим тўғрисида"**ги янги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилингани таълим тизимида туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Миллий дастур моҳияти-эътибори билан инсоний камолотдек олижаноб мақсадга хизмат этади. Шу маънода, ўзбек таълим модели олис келажакка қаратилгандир. У таълим амалиёти ва самарадорлигига донишмандона ёндошув маҳсули. Дастур ижтимоий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тараққиётпарвар замонавий йўналиш ва теран миллий илдизларга эга. Шу билан бирга, у жаҳон таълим тизимидаги энг афзал жиҳатларни ўзида мужассам этган.

Давлатимиз раҳбари **биз-га битирувчилар эмас, балки мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак,** деб уқтиради. Шахс – бу ўз нуқтаи назари, собит дунёқарашига эга бўлган фозил инсон, демакдир. Биз бугун ана шу эзгу мақсад, яъни баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги амалий ҳаракатни ва унинг маҳсулларини таълим тизимида яққол кўриб турибмиз. Ўсиб келаётган ёш авлод учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Академик лицейда ўқиш билан бирга, олий ўқув юртига кириш учун пухта тайёргарлик кўриш мумкин. Қолаверса, ўқувчи аниқ мақсадга йўналтирилган фанлар бўйича ихтисослашган сабоқ олади.

Эски таълим тизимининг камчиликларидан бири бошланғич таълимга иккинчи даражали иш, деб қаралганида эди. Билими саёз муаллимлар ҳам биринчи синфда дарс бераверади. Собиқ иттифоқда бутун бошли педагогика билим юртлари ва техникумлар тизими, асосан, бошланғич синф ўқувчиларини ўқитадиган муаллимлар тайёрларди. Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди шаклланадиган бошланғич синфда энг етук, энг тажрибали мураббийлар шуғулланиши лозимлигини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 6 октябрдаги **"Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"**ги Фармони билан миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида **"Таълим тўғрисида"**ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб белгиланди. Таълим тизимини ислоҳ қилишда ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, бундай эзгу иш билан шуғулланаётган кишилар фаолиятига ноқонуний аралашишнинг олдини олиш, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Шу маънода мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Олий Мажлис Сенатининг 2006 йилнинг 26 августида бўлиб ўтган 7-ялпи мажлисида маъқулланган ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзоланган "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонун ҳам моҳият-мазмуни билан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Qonun ijodkorligi

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

улар фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Шуни айтиш керакки, мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад - ривожланган хорижий мамлакатларда самарали фаолият юритиб келаётган, эндиликда эса мустақил юртимизда ҳам қонуний негизига эга бўлган микрокредит ташкилотларини тузиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш билан бирга давлатимиз раҳбарининг **"Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"**ги 2005 йил 10 мартдаги қарорининг ижросини таъминлашдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қонун қабул қилингунга қадар микрокредит хизматлари тижорат банклари, кредит уюшмалари ҳамда ломбардлар томонидан Фуқаролик кодексининг умумий меъёрлари, **"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"**ги, **"Кредит уюшмалари тўғрисида"**ги қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида амалга оширар эдилар.

Эндиликда **«Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»**ги қонун қабул қилингач, бу тартибга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Аниқроқ айтганда, микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширадиган, шу жумладан, микрокредит, микроқарз, микролизинг каби хизматлар кўрсатишни янада эркинлаштириш ва молиявий институтлар ўртасида рақобатни кучайтириш омили сифатида микрокредит ташкилотлари ўз фаолиятларини бошлайдилар.

"Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонун 21 моддадан иборат бўлиб, унда микрокредит ташкилотларини тузиш, унинг таъсис ҳужжатлари ҳамда устав фондига қўйиладиган талаблар, микрокредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда улар фаолиятини лицензиялаш, Республика Марказий банкининг микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга оид ваколатлари ҳамда бошқа тегишли меъёрлар ўз ифодасини топган.

Микрокредит ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишнинг яна бир аҳамиятли томони шундан иборатки, улар юқорида қайд этилган молиявий хизматлардан ташқари факторинг (қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш) хизматини, истеъмол кредити бериш ҳамда ўзи кўрсатадиган барча молиявий ҳаракатлар билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматларини ҳам кўрсатиши мумкин.

Микрокредит ташкилотларининг таъсис ҳужжатларида муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматларни кўрсатиш фаолияти ва ушбу хизматларни кўрсатиш учун зарур бўлган маблағларни шакллантириш манбалари ҳамда ташкилот бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисида ҳам маълумот берилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда микрокредит ташкилотининг устав фондига қўйиладиган талаблар хусусида сўз юритадиган бўлсак, у пул маблағлари ҳамда мазкур ташкилот устав фондининг йигирма фоизидан ошмаган миқдордаги мол-мулкидан ташкил топади, устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган ва бошқа йўл билан жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"**ги қонунга асосан микрокредит ташкилотлари ўз фаолиятини Республика Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензия олиш учун эса ариза, микрокредит ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари, микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ҳамда микрокредит ташкилоти бошқарув органларининг таркиби тўғрисидаги маълумот каби ҳужжатларни тақдим этиш кўзда тутилган.

Қонун талабларига мувофиқ Республика Марказий банки юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ келмаганда ёки уларда келтирилган маълумотлар ишончсиз, бузиб кўрсатилган ҳолларда лицензия беришни рад этишга ҳақлидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ

Мустақиллик йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида дадил қадамлар ташланди. Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамланди. Бу эса, ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилгани суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансоларликка йўл қўймасликка олиб келди. Кассация инстанцияси ислоҳ қилиниши билан фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишди. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача, айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари эса, бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда 1 йилгача қисқартирилди. Шунингдек, эҳтиёт чорасини қўллаш доираси ҳам чекланди. Қонунни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бу чора-тадбирлар судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишига, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишига омил бўлди.

Давлатимиз раҳбари Парламент палаталарининг биринчи қўшма мажлисида қилган маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепциясини, шунингдек, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларни белгилаб бераркан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлади. Ушбу маърузада соҳада амалга оширилган ижобий ишлар қайд этилиб, бу борада ҳали ечимини кутаётган жиддий муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Бу устувор вазифалар ва йўналишларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш Концепцияси қабул қилинди.

Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тегишли идоралар томонидан муайян ишлар бажарилди. Асосий тавсияларни ишлаб чиқиш учун ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш, шунингдек, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди, амалдаги қонунчилик таҳлил қилинди, инсоннинг дахлсизлигини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллаш амалиёти умумлаштирилди.

Юртбошимизнинг 2005 йил 8 августдаги **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказишни назарда тутади. Фармонга кўра, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судларнинг ваколатига мувофиқ, уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

Дастлабки тергов ёки суриштирув босқичида суд назорати таъминланганда жиноят процесси иштирокчиларининг муносабатлари тизими тубдан ўзгаради. Ўз навбатида, суд мустақил идора сифатида мазкур чорани қўллаш имкониятини баҳолашга холис ёндошиши лозим бўлади. Санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш Жиноят процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, **«Судлар тўғрисида»**ги, **«Прокуратура тўғрисида»**ги қонунларга қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгиловчи, шунингдек, судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш борасида қўшимча кафолатларни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Шунингдек, Президентимизнинг мазкур Фармонида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини кадрлар билан таъминлашнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозимлиги белгиланган.

Судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура идораларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора-тадбирлар фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоясини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Ф.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос

...Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилар. Лекин яхшилик ва бағрикенглик, олижаноблик ҳамда меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг бу пурҳикмат сўзлари замирида миллий қадриятимизга айланган пок инсоний туйғуларни асраб-авайлашимизга, фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатли этиб тарбиялашимизга даъват мужассам. Бундай эзгу ишларнинг бошида турган маҳаллаларнинг бу борадаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Faoliyat

ДЕМОКРАТИЯ ДАРСХОНАСИ

Дарҳақиқат, «Маҳалла» жамғармаси вилоят, шаҳар ва туман бўлим ҳамда бўлинмалари ана шу йўналишларда йил давомида бир қатор эзгу ишларни амалга оширди. Хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилди. Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 1631 нафар фуқарога жамғарманинг Бухоро вилояти бўлими ва бўлинмалари томонидан 32,3 миллион сўмдан ортиқ мурувват ёрдами кўрсатилди. 17 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари республиканинг турли санаторий ва дам олиш масканларида саломатликларини тиклаб қайтишди.

Кейинги йилларда маҳаллаларимизда истиқомат қилаётган фуқароларимиз орасида саховатпеша инсонлар сони тобора ортиб бораяпти. Чунончи, тадбирларни амалга оширишда ҳомийлар 43 миллион 423500 сўм маблағ билан ёрдам кўрсатишди.

Маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари ҳашарларни уюшқоқлик билан ўтказишга бош-қош бўлишмоқда. Масалан, байрам арафасида, 19-20 август кунлари ўтказилган умумхалқ ҳашарида 648073 нафар фуқаро иштирок этди, 1685 гектар майдон ободонлаштирилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож 189 нафар кишининг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. Шу куни эҳтиёжманд оилаларга «Маҳалла» жамғармаси ва унинг бўлинмалари ҳисобидан 2,7 миллион сўмлик, ҳомийлар ҳисобидан эса 18 миллион 376 минг сўмлик хайрия хизмати кўрсатилди. Бу бир кунлик хайрия ишларининг сарҳисоби, холос. Кейинги йилларда шаҳарларимиз, маҳалла ва қишлоқларимизда мазкур тадбир туфайли амалга оширилаётган ободончилик ишларининг салмоғи анча юқори.

(Давоми учинчи бетда)

Ер эгаси эртага ким бўлади, деган саволга бемалол фермерлар, деб жавоб беришга ҳуқуқшунос асослар мавжуд.

Tahlil ko`zgusi

«УДДАБУРОН» ТАЛАБГОР

2005 йил 8 ноябрда давлатимиз раҳбарининг **«2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжалигига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори эълон қилинди. Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 4 январда рўйхатга олинган **«Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида»**ги Низом қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда талабгорларни танлаш, уларнинг танловини ўтказиш шартларини, танлов ғолибларини аниқлаш тартибини белгилаб берди. Ана шу ҳуқуқий асосларда танловлар ўтказилиб, ғолиблар аниқланаётир.

Зиёда Шарипова ҳам деҳқон фарзанди, миришкорликни уддалай олишига ишонгани боис, фермер бўлишга жазм этди.

У Пешку туманида ташкил этилган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига танловда қатнашиш истагини билдириб, ариза ва тегишли ҳужжатларни тақдим этди.

«Бухоро» ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси танловида Зиёда Шарипова раҳбарлигидаги «Қобилбобо» ва Амрилло Сатторов етакчилигидаги «Саттор-Барака» фермер хўжаликлари қатнашди. 2005 йил 16 декабрдаги танлов якуни бўйича, «Қобилбобо» фермер хўжалиги 76,3 балл тўплаб, комиссия томонидан ғолиб, деб эътироф этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

БАРКАМОЛ АВЛОД САОДАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Дунёда биздаги каби ўқитувчилар ва мураббийлар кунини байрам сифатида белгилаб қўйган бошқа бирор мамлакат йўқ. 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида»**ги қонун асосида ҳар йили 1 октябрь — "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" байрам, дам олиш куни ҳисобланади. Бу кун нафақат ўқитувчи ва устозларнинг, балки бутун жамиятнинг байрамига айланди.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги Фармони билан 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг етакчи вазифалари белгилаб берилди. Унга кўра, замонавий талабларга мос ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базалари даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш сингари мақсадли вазифалар олдинга сурилган.

Умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш ҳам ана шу вазифалар сирасига киради.

2005 йил 25 ноябрда эса давлатимиз раҳбарининг **"Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга, истеъдодли, ўз касбига содиқ умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмини жорий этишга киришилди. Айни пайтда таълим тизимини замонавий ахборот-коммуникация технология воситалари билан таъминлашга ҳам давлатимиз катта маблағ сарфламоқда. Бу борада махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги **"Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"**ги Фармони билан мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларнинг фаол қўлланишига асосланган илғор таълим тизимларини киритиш имконияти яратилди. Кейинги уч йил ичида умумтаълим мактабларидаги шахсий компьютерлар сони 1,11 бараварга кўпайиб, 59,4 мингтага етди. Коллежлар ва лицейларда уларнинг сони деярли икки баравар ошди. Таълим муассасаларини маълумотлар узатиш миллий тармоғига, шу жумладан, Интернетга улаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 2500 нафар ўқитувчи фаолият олиб боради. Уларнинг 192 нафари қайта тайёргарликдан ўтди. Академик лицейларнинг 82 фоиз, касб-ҳунар коллежларининг 91 фоиз ўқитувчи ва муҳандис педагоглари ўз малакасини оширган. 1060 нафар педагог «Устоз» жамғармаси ҳамда хорижий сармоялар асосида Германия, Япония, Англия, Австралия ва Жанубий Корея сингари тараққий топган мамлакатларда малака ошириб келишга муваффақ бўлдилар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф буюрмасинлар ёки янги қурилган объектларни кўздан кечирмасинлар, албатта, таълим муассасаларини эътибордан четда қолдирмайдилар, уларни янада мукаммаллаштириш бўйича таклифларини бериб, таълим муассасаси жамоаси билан суҳбатлашиб, мавжуд аҳволни бевосита билиб олишга ҳаракат қиладилар. Бу таълим-тарбия ишлари мамлакат раҳбарининг доимий назоратида эканини англатади.

Ҳозирги пайтда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг учинчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу босқичда тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш, таълимни ахборотлаштириш каби вазифалар амалга оширилади.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар миқёси шундайки, 2006 йилнинг ўзида яна 9435 ўқувчи таълим оладиган 12 та янги лицей ҳамда 74160 нафар талабани ўз бағрига оладиган 121 та янги коллеж иш бошлайди. Шу мақсадда ҳукуматимиз 260,8 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфлаётир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек, **«Таълим ва уни ислоҳ этишга сарфланган маблағ зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади, пировардида «портлаш эффекти»ни беради».**

Таълим тизимидаги ислоҳотлар мамлакатимиз иқлимини ўзгартириб юборди. Бугун ҳар бир йигит-қиз жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини топишни истайди ва шунга интилиб яшайди. Ота-оналар эса қизим мана шу лицейда ўқиса, ўғлим мана бу коллежда таълим олса, деб елиб-югуради. Нимага десангиз, гўзал ахлоқли, қўли гул инсоннинг қадри баланд бўлади. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ва бундай инсонлар пешона тери билан ҳаётни яшнатиб юборади. Ўз билими ва истеъдоди билан оиласини, туғиляб ўсган она Ватанини обод этади, тараққиётга муносиб улуш қўшади. Давлатимиз раҳбари «портлаш эффекти» деганда мана шу эзгу мақсадни кўзда тутган, албатта.

Ўғил-қизларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч кимдан кам бўлмайди. Бунинг учун барча шарт-шароит ва замин яратиб берилмоқда.

Алибой ҚАҲРАМОНОВ,
Худоёр МЕЛИЕВ

Muloqot

НАФАҚА ТАЙИНЛАНАДИ

— Уч нафар фарзанднинг онасиман. Кенжа ўғлим II гуруҳ ногирони. Шу ўғлимга давлат томонидан бирон-бир ижтимоий ёрдам олишим мумкинми?

С.ЙЎЛДОШЕВА,
Жиззах вилояти Фориш тумани

— Ҳа, ногирон фарзандингизга нафақа олишингиз мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги қарорига асосан тасдиқланган **«Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомга асосан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан болаликда I ёки II гуруҳ ногиронлари, деб тан олинган, иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан катта бўлган шахслар, шунингдек, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар нафақа олиш ҳуқуқини берувчи тиббий маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар ойлик нафақаларни олиш ҳуқуқига эга.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза болаликдан I ёки II гуруҳ ногирони бўлган шахс томонидан яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Меҳнатга лаёқатсиз, деб топилган I ёки II гуруҳ болаликдан ногирон шахсга, шунингдек, ногирон болага нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ота-оналардан бири, васий томонидан яшаш жойи бўйича берилади.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризага I ёки II гуруҳ болаликдан ногирон ёхуд ногирон боланинг ёши ва турараржойи тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек, ариза берган ота-оналар, васийларнинг яшаш жойи тўғрисидаги ҳужжатлар илова қилинади.

Васий ариза билан мурожаат қилган ҳолларда васийлик идорасининг васий келишига, тайинлаш тўғрисидаги қарорининг бир нусхаси илова қилинади.

Ижтимоий таъминот бўлими I ёки II гуруҳ болаликдан ногиронининг аризасига тиббий меҳнат-эксперт комиссиясидан олинган текшириш далолатномасидан кўчирма илова қилади.

Ногирон болага нафақа тайинлаш чоғида соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган тартибда бериладиган тиббий хулоса тақдим этилади.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризани қабул қилиб олган ижтимоий таъминот бўлими ариза берувчига ариза қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳақида тилхат беради.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилгач, 10 кундан кечикмай кўриб чиқилади.

Нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат қилувчи нафақа тайинлаш ҳақидаги қарор устидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юқори идорасига шикоят қилиши мумкин. Ариза берувчи жавобдан қониқмаган тақдирда низо белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

МАЛАКА ТОИФАСИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

— Мен айни кунда олий ўқув юртининг сўнгги босқичида таҳсил олаяпман. Олийгоҳни тугатгач, мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирмоқчиман. Илтимос, менга педагог ходимларнинг малака тоифалари тартиби ва муддатлари тўғрисида тушунча берсангиз.

Б.БОБОҚУЛОВА,
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри

– Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда ўқитувчиларга малака тоифалари бериш тартиби жорий этилган. Аниқроқ айтганда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 106, 43 ва 01-356-сон қарори билан тасдиқланган **«Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида»**ги Низомга асосан таълим муассасаларининг педагог кадрлари малака тоифаси аттестация комиссияси томонидан мажбурий ёки навбатдан ташқари аттестация пайтида малака тоифалари талаблар асосида аниқланади.

Педагог кадр иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгорлик қилиши ва аттестациядан муваффақиятли ўтса — эга бўлиши мумкин.

Педагог кадр малака тоифасини оширишнинг мажбурий шарти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (маркази)да унинг малака оширишдан ўтиши ҳисобланади.

Педагог кадрларга малака тоифаси беш йил муддатга берилади, бу муддат ўтгач, у ўз малака тоифасини тасдиқлашга мажбур.

Ўқитувчига иккинчи малака тоифасини бериш қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан аниқланади:

а) педагогик ходим малакаси — билим ва кўникмаларни баҳолашнинг стандарт талаблардан юқори бўлган педагогика назарияси, психология ва ёшлар физиологияси асослари, ўқиладиган фаннинг таянч компоненти мазмуни, таълим ва тарбия методикаси билан;

б) педагогик ходимнинг маҳорати — таълим жараёнида қулай микроиқлим яратиш, амалий фаолиятда таълим жараёнининг хилма-хил (вариант)лилигини таъминловчи ўқитиш методлари, усуллари ва воситаларини қўллай олиш, педагогик ташхиснинг қўлланилаётган оддий методлари ва воситалари, ўқувчилар жамоасини тоифалашнинг асосий шакллари, ўқувчиларнинг англаш ва муомала (коммуникатив) маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий методлари билан;

в) педагогик ходим меҳнати самарадорлиги — педагог бевосита мулоқот қиладиган ўқувчилар гуруҳини аҳил жамоа сифатида сақлашга имкон берувчи амалий иш фаолияти; ўқувчилар Давлат таълим стандартларига мос ҳолда билим олишини таъминлаш орқали аниқланади;

г) ўқитувчи лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши керак.

ДАВЛАТ БОЖИ ТЎЛАНАДИ

— Мен ўзимга тегишли "Nexia" автомашинасини акамга ҳадя қилмоқчиман. Бу қандай тартибда расмийлаштирилади ва бунинг учун қанча давлат божи тўлашим керак?

Б.УРАЛОВ,
Сирдарё вилояти
Сайхунобод тумани

— Бунинг учун сиз хусусий ёки давлат нотариал идорасига мурожаат қилиб, автомашинани акангизнинг номига ҳадя шартномаси тузиш йўли билан ўтказишингиз мумкин.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси, деб тан олинади.

Ашёни ҳадя қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар Фуқаролик кодексининг 502-511-моддалари билан тартибга солинади. Вазирлар Маҳкамасининг **"Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги 2006 йил 7 июндаги қарорига асосан, эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномалари расмийлаштирилаётганда бож белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Ғайрат АБДУЛЛАЕВ жавоб берди

«Тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир». Соҳибқирон Амир Темур бобомиз илгари сурган бу фикр бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Аксинча, мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритилиши билан хусусий мулкчилик ривожи учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилди. Шунинг натижасида бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий такомили кўп жиҳатдан фермерлар, тадбиркорлар улушига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Bugunning gapi

АДОВАТ ЭМАС, АДОЛАТ ЕНГАДИ

Албатта, юртимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги қонун йўли билан кафолатланган. Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан қўплаб қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги соҳа ривожида ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Шунга қарамай, жойларда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, фаолият эркинлигига қаршилик кўрсатиш каби кўнгилсиз ҳолатларнинг учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Нукус шаҳридаги «Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ҳудудида жойлашган «Тонг нури» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Зокиржон Турсунбоев бугунги кунда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, кенг кўламдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. Аммо қурилган иншоотларни расмийлаштириш тўғрисида шаҳар ҳокимлигига ариза бериши билан сунъий тўсиқларга дуч кела бошлади. Шаҳар ҳокимлиги эски қурилиш объектларини қайта таъмирлаш йўли билан барпо этилган замонавий кўринишдаги савдо шохобчаларини бузиб ташлаш тўғрисида 17-«б»-сонли қарор қабул қилади. Табиийки, бу қарордан тадбиркор норози бўлади ва кўмак сўраб, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлигига мурожаат қилди. Ўз навбатида вазирлик ариза мазмунини пухта ўрганиб чиққач, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш хусусида даъво аризаси киритди. Суд 2003 йилнинг 8 майида тадбиркорнинг даъво аризасини қаноатлантириш, шаҳар ҳокимининг 17-«б»-сонли қарорини бекор қилиш ва янгидан барпо этилган «Тонг нури» савдо-ишлаб чиқариш корхонасини тан олиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Қизиғи шундаки, шаҳар ҳокимлиги мутассаддилари суд қарорини тан олишни исташмади ва суд қарори устидан апелляция тартибида ариза киритилди. Ариза 2003 йилнинг 7 июлида хўжалик суди мажлисида кўриб чиқилди ва Фуқаролик кодексининг 207-209-моддалари, 21-моддаси, 5-қисмига мувофиқ, шунингдек, судга тақдим қилинган ҳужжатлар асосида рад этилди ва биринчи инстанция суди қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари суднинг апелляция қарорига норозилик билдириб, орадан олти ой вақт ўтгач, хўжалик судига «янги очилган ҳолатлар» юзасидан қайта ариза киритди. 2004 йилнинг 3 февралида чиқарилган суд мажлиси шаҳар ҳокимининг бу аризани Хўжалик-процессуал кодексининг 151, 204, 207-208-моддаларига биноан қаноатлантирмади.

Бироқ шунга қарамай, улар тадбиркор йўлига тўсиқ қўйишни тўхтатишмади. Натижада Адлия вазирлиги 2005 йилнинг 11 апрелида шаҳар ҳокими номига огоҳлантириш хати йўллади.

Тадбиркор ҳақ бўлиб чиқди. Аммо уч йилдан ортиқ вақт мобайнида у турли хил сарсонгарчиликларга дуч келиб, катта миқдорда моддий ва маънавий зарар кўради. Шу важдан, адлия вазирлиги Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари, **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 38-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорига асосланиб, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига тадбиркорга етказилган маънавий зарарни ундириш бўйича даъво аризаси киритди. Суд қонун кўрсатмаларидан келиб чиқиб, «Тонг нури» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Зокиржон Турсунбоев фойдасига Нукус шаҳрининг собиқ ҳокими И.Холмуротов ҳисобидан 200000 сўм миқдорида маънавий зарар ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

Тадбиркор ҳуқуқи-дахлсиз. Унинг фаолиятига ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди. Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлар, тўсиқлик қилмоқчи бўлганлар қонун олдида жавоб беришади. Чунки бу савоб ва эзгу ишда адоват эмас, адолат енгади.

Давлатбой ХОЛМУРОТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири

Qonun ijodkorligi

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

улар фаолиятининг ҳуқуқий асоси

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Лицензия олган микрокредит ташкилоти ўз фаолияти давомида ушбу лицензияда қайд этилган талаб ва шартларни, мутасадди ташкилот томонидан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарор талаблари микрокредит ташкилоти томонидан бажарилмаса, бу лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга тўла асос бўлади. Бундан ташқари, лицензияни тугатишга асос сифатида микрокредит ташкилотининг тўловга қобилиятсизлиги, ҳисобот маълумотларини мунтазам равишда бузиб кўрсатганлиги, лицензия берилган пайтдан эътиборан ярим йил давомида микрокредит бериш бўйича фаолиятини юритмагани асос бўлиши мумкин.

Мазкур қонуннинг яна бир эътиборга сазовор жиҳати шундан иборатки, микрокредит ташкилотлари белгиланган тартибда ўз филиалларини очишга ҳақлидир, унда ташкилотнинг филиали ўз фаолиятини уни ташкил этган микрокредит ташкилотига берилган лицензия асосида юритади. Бу эса мамлакатимизнинг узоқ қишлоқларида истиқомат қилаётган фуқароларимизнинг микрокредит хизматларидан фойдаланишига қулай имконият яратади, десак, сира муболаға бўлмайди.

Микрокредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматнинг яна бир аҳамияти шундаки, катта молиявий институтлар томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлардан фарқли равишда микрокредит, микроқарз ёки микролизинг олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ҳамда микрокредит олувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи восита сифатида гаровга қўйиладиган мол-мулк, унинг суғуртаси каби қўшимча харажатлар катта бўлмайди. Бундан ташқари, қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш каби масалаларни микролизинг хизмати, яъни ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиш орқали ҳал этиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур қонун микрокредит ташкилотлар мамлакатимизда ўз мижозларини топиб олишга, соғлом рақобатнинг вужудга келишига, халқимизнинг микромолиявий хизматларга бўлган талабини қондиришга, умуман айтганда, иқтисодий тараққиётимизга хизмат қилади.

Д.РАҲИМОВ,
юридик фанлари номзоди

Tahlil ko`zgusi

«УДДАБУРОН» ТАЛАБГОР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

«Саттор-Барака» фермер хўжалиги 75,4 балл тўплади. Танловдан сўнг Зиёда Шарипова 34 гектар ерга деҳқончилик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Амрилло Сатторов танлов натижаларидан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Ўз навбатида вилоят адлия бошқармаси томонидан 2005 йил 21 декабрда Пешку тумани «Бухоро» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш комиссияси раиси Б.Абдиев ва туман ҳокими номига тақдимнома киритилиб, танловни қонунга мувофиқлаштириш сўралди. Комиссия раиси ҳар иккала фермер хўжалиги томонидан тақдим этилган ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, комиссия аъзолари билан бемаслаҳат иш тутганда мақсадга мувофиқ бўларди. У эса тақдимномани олгач, 2005 йил 22 декабрь куни танлов ўтказиб, ҳужжатларда 28 декабрь куни ўтказилди, деб қайд қилди. Зиёда Шарипова тақдимномадан ҳам, танловдан ҳам бехабар қолди. Қизиғи шундаки, комиссия раиси адлия бошқармасининг тақдимномасини баҳона қилиб, ҳеч қандай асоссиз важлар билан Зиёда Шарипова тўплаган 76,3 баллдан 2 балл олиб ташлади. «Саттор-Барака» фермер хўжалиги 75,4, «Қобилбобо» фермер хўжалиги 74,3 баллга эга бўлди. Орадан 12 кун ўтгач, ғолиблар ўрин алмашишди. Тезкорликни қарангки, комиссиянинг 22-сонли баённомасига асосан, Амрилло Сатторов раҳбарлигидаги «Саттор-Барака» фермер хўжалиги 21-контур ғолиби, деб топилди. Орадан 11 кун ўтиб, Пешку туман ҳокимининг 2006 йил 8 январдаги 8-сонли қарорига биноан, «Саттор-Барака» фермер хўжалиги раҳбари Амрилло Сатторовга 34 гектар ер ажратилди.

Биринчи танловда ошкоралик таъминланганидан хурсанд бўлган Зиёданинг энди боши қотди. У вилоят адлия бошқармасига шикоят аризаси ёзди.

Аризани ўрганиш жараёнида Амрилло Сатторов танловда юқори балл олиш мақсадида комиссияга илова қилган 14 та қишлоқ хўжалиги техникаси борлигига доир ҳужжатдан 13 таси сохта экани аён бўлди. Қоидага кўра, техника воситалари талабгорнинг ўзига ва оила аъзоларига тегишли бўлиши лозим.

Амрилло Сатторов сохтакорликда устаси фаранглардан экан. У Пешку туман ўрмон хўжалиги ҳисобидаги 1988 йили ишлаб чиқарилган Т-4А тракторини ўрмон хўжалиги мансабдор шахслари билан тил бириктириб, сотилгани тўғрисида сохта баённома тузган. Ҳатто 500.000 сўм тўланганги тўғрисида қалбаки кирим ордери ҳам ёздириб олган. У Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 12-сонли қарорига асосан, автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини фақат нотариуслар, шунингдек, савдо ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган савдо корхоналари томонидан амалга оширилишини билса-да, бунга амал қилмаган. Давлат техника назорати нозирлиги Пешку туман бўлими бошлиғи Ш.Нарзиев ва техника назорат Бухоро вилоят бўлими бошлиғи ўринбосари Х.Шахимов Амрилло Сатторовнинг «илтимосини» ерда қолдирмаганлар. Улар хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, «Саттор-Барака» фермер хўжалиги раҳбарига Т-4А трактори учун сохта паспорт ёзиб беришган. Шунингдек, талабгор туманда и «Ҳалимбобо» фермер хўжалиги раҳбари Равшан Ҳалимовга тегишли 1984 йили ишлаб чиқарилган Т-28х4 тракторини 2005 йил 9 ноябрда туман Давлат нотариал идорасининг 2053-реестр номери орқали сотиб олгани ҳақида сохта олди-сотди шартномасини илова қилиб, техника назорати нозирлиги Пешку туман бўлими томонидан техник паспорт олган.

«Уддабуронлик» шу даражага бориб етганки, Амрилло Сатторов умуман мавжуд бўлмаган ТТЗ-80 русумли, 59-70 БВ рақамли тракторга ўз номига техник паспорт ёздириб олиб, сохта ҳужжатларни танлов комиссиясига илова қилиб, «15 балл» олган. Комиссия аъзолари сохта ҳужжатларни кўриб-кўрмасликка олишганми ёки маълумотларга «ишонишганми», бу саволларга тегишли идоралар аниқлик киритишмоқда.

«Қобилбобо» фермер хўжалиги раҳбари Зиёда Шарипова вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилгач, суд мажлиси давомида ҳақиқат тўла ойдинлашди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан Пешку туман ҳокимининг 2006 йил 8 январдаги 8-сонли қарори ва шу қарор асосида чиқарилган вилоят ҳокимининг 2006 йил 11 январдаги 27-сонли қарори билан тасдиқланган «Саттор-Барака» фермер хўжалиги раҳбари Амрилло Сатторовга 34 гектар ер майдони бериш ҳуқуқи ҳақиқий эмас, деб топилди.

Суд сохта ҳужжатларни комиссияга тақдим этган мансабдор шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 209-228-моддалари билан жиноят иши қўзғаб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборди. Ким қилмагай, ким топмагай, деганлари шу бўлса керак.

Бугун ернинг эгаси унинг тилини биладиган деҳқон бўлиши керак. Саховатли ўзбек заминида фермерлар меҳнати қадр топмоқда. Зиёда Шарипова сингари даласига меҳр қўйган фермерлар ҳар қарич ерни эъзозлаб, тоғ-тоғ хирмонлар бунёд этишмоқда, фермерликни ривожлантириш йўлида ташаббускорона меҳнат қилмоқда.

Яндаш АЗИМОВ,
ҳуқуқшунос,
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Мамлакатимизда икки палатали парламент фаолияти йўлга қўйилгач, қонун чиқариш жараёни янгича мазмун ва аҳамият касб этди. Парламент палаталари эндиликда ўзлари ифода этаётган умумхалқ ва минтақалар манфаатларига таянган ҳолда, уларнинг уйғунлиги асосида масалаларга ёндашмоқда. Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасида муайян меҳнат тақсимоти, ўзаро мулоқот, ижодий ҳамкорлик ва эркин рақобат шаклланаяпти. Депутатлар ва сенаторлар фаолиятида замонавий парламентаризмнинг демократик институтлари, анъаналари ва тартиб-қоидалари амал қилиши учун зарур шароит яратилаётир.

Huquqiy ma`rifat

КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИ

унинг тартиб-қоидалари нималардан иборат?

Парламент умуммиллий сайланадиган орган сифатида турли ижтимоий манфаатлар вакиллигини ўзида мужассам этади. Икки палатали парламент ўз қонунчилик фаолиятининг сифатини оширишга қодир. Тўғри, парламентнинг икки палатали тузилишга эга бўлиши, бир томондан, қонун чиқариш жараёнини мураккаблаштиради. Яъни муайян қонун лойиҳасига у ёки бу палатанинг муносабатига қараб, ушбу жараён чўзилиши мумкин. Аммо икки палатанинг мавжудлиги қабул қилинаётган қонунлар сифатини яхшилаш, турли ижтимоий гуруҳлар, ҳудудий жамоалар манфаатларини уларда тўлароқ акс эттириш имконини беради.

Парламентдаги тартиб-қоидаларнинг асосий мақсади кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган энг самарали қарорларни қабул қилиш ва келишилган қарорларга эришиш жараёнини тартибга солишдан иборат. Парламент тартиб-қоидалари унинг қонунчилик фаолияти самарадорлигини янада юксалтиришга хизмат қилади, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан назорат ўрнатилишига кўмаклашади.

Қонунчилик ҳокимиятининг тартиб-қоидалари ва ташкил этиш шакллари ўзининг ранг-баранглиги билан характерланади. Ҳар бир парламентнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган, тарихий ва сиёсий шарт-шароитларга мос тартиб-қоидалари мавжуд. Шу билан бир қаторда, ҳар қандай қонунчилик органи ўзининг ички ташкил қилинишида қуйидаги ўзгармас шартларга жавоб бермоғи лозим бўлади.

Яъни ҳар бир парламент ўз мажлислари, дебат (мунозара) ларини ташкил қилишга доир ҳамда парламент аъзоси хулқ-атвори, овоз беришга тааллуқли маълум қоидалар мажмуига эга.

Парламент фаолияти иштирокчилари ушбу белгиланган қоидаларга мажбурий риоя қилишлари шарт.

Бундан ташқари, ҳар бир палата ўз регламентини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши, унда палата вакилларига кирадиган барча масалаларни палата томонидан кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибини жуда пухта ва муфассал белгилаши лозим.

Парламент, унинг палаталари регламентида қонун лойиҳаларини киритиш тартиб-қоидалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айрим ҳолларда қонун лойиҳалари фақат бир палатага (қоида тарақасида, қуйи палатага) киритилади, яъни қонун ишлаб чиқиш жараёни доимо қуйи палатада бошланади. Қонун лойиҳаси қуйи палатада кўриб чиқилганидан ва қабул қилинганидан кейингина юқори палатага ўтказилади. Бошқа мамлакатларда (масалан, Италияда) қонун лойиҳаси палаталарнинг исталган бирига киритилиши мумкин.

Қабул қилинган қонун лойиҳасини парламентнинг иккинчи палатасида кўриб чиқиш икки палатали парламентлардаги қонун чиқариш жараёнининг муҳим босқичидир. Зеро, бир палатали парламентда қонунни қабул қилиш охирги марта овозга қўйиш орқали амалга оширилади (у бир неча ўқишда ўтказилиши мумкин). Икки палатали парламентда эса қонун лойиҳаси айни бир таҳрирда иккала палата томонидан қабул қилинган ҳолдагина қонунга айланади. Аммо баъзан палаталардан бири қайта овозга қўйиш орқали бошқа палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасини маъқулламаган иккинчи палатанинг «вето»сини енгиши ҳам мумкин ёхуд баъзи ҳолларда эса иккала палатада параллел равишда муҳокама қилинади. Аммо кўпчилик конституцияларда қонун лойиҳаси дастлаб қуйи палаталарда қабул килиниши назарда тутилган. Агар палаталардан бири (одатда, юқори палата) қонун матнига рози бўлмаса, бундай ҳолларда палаталар ўртасида келишмовчиликларни бартараф этиш масаласи вужудга келади.

Жаҳон парламентлари амалиётида палаталар ўртасида бундай келишмовчиликларни бартараф этишнинг бир неча усуллари қўлланилади.

Улардан бири «моки» қоидасидир. Унга кўра, қонун лойиҳаси бир хил матнда иккала палатада қабул килинмагунга қадар, бир палатадан иккинчи палатага ўтиб тураверади (Австралия, Бельгия, Бразилия, Канада, Малайзия, Мексика, Швейцария, Франция). Баъзи ҳолларда, ҳукумат моки фаолиятини тўхтатиб, палаталарнинг тенг асосдаги (7 нафар депутат ва сенатордан иборат) комиссиясини тузишга ва яраштирув матнини вужудга келтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, палаталар ўртасидаги келишмовчилик икки палата вакилларидан ташкил топган тенг миқдордаги келишув комиссиясини тузиш (Россия, Ўзбекистон) ёки иккала палатанинг қўшма мажлисини чақириш орқали ҳал қилинади (Ҳиндистон, Япония, Руминия).

Бундай вазиятлар юзага келганда, парламентларнинг қуйи палаталари вакиллари юқори палатага нисбатан кўпчиликни ташкил этганлиги сабабли, одатда қуйи палата таҳриридаги матн қабул қилинади. Бундан ташқари, юқори палатанинг ветоси қуйи палата томонидан малакали овоз бериш орқали, яъни палатанинг 2/3 овози билан иккинчи марта енгиб ўтилиши мумкин.

Қонунлар қабул қилиш тартиби, шунингдек, келишув тартиб-қоидалари мамлакатимиз Конституцияси (84-модда), **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги (30—31-моддалар), **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»**ги (25-модда) Конституциявий қонунлар ҳамда **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги (16-модда), **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги (11—12-моддалар) қонунлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти (137—144-моддалар) ва Олий Мажлис Сенати Регламентига (28-модда) мувофиқ тартибга солинади. Жумладан, уларда Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун лойиҳасининг Сенатда ўтиши, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузиладиган келишув комиссияси ишининг тартиб-қоидалари (қонун Сенат томонидан рад этилган ҳолда), шунингдек, қонунни палаталар томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби ва бошқа масалалар ўз аксини топган.

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган қўмитага топширилади. Сенатнинг мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг қонун муҳокамаси тартибида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин. Қонун Сенат томонидан белгиланган кўпчилик овоз билан маъқулланса, имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган тартибда Республика Президентига юборилади. Рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссияси тузиши мумкин.

Мазкур комиссия тенглик асосида тузилади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар. Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади. Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун одатдаги тартибда Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак. Қонунчилик палатаси Регламентининг 17-моддасида Сенат томонидан рад этилган, шунингдек, Республика Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Парламент, унинг палаталари мажлисларини тайёрлаш кун тартиби масалаларини тегишли қўмиталар ва комиссияларда, парламент, унинг палаталарининг бошқа органларида дастлабки тарзда кўриб чиқишни, депутатлар, сенаторлар барча зарур ахборот билан ўз вақтида таъминлашни, зарур экспертизаларни ўтказишни, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан эксперт хулосалари чиқариш учун олимлар, мутахассисларни жалб қилишни, муайян парламент қарорларининг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этаётган тегишли давлат органлари билан яқин алоқа қилишни, зарур ҳолларда парламент, унинг палаталари муҳокамасига киритиш режалаштирилаётган масалаларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни ўз ичига олади. Мазкур масалаларнинг барчаси парламент, унинг палаталари, қўмиталар ва комиссиялар, депутатлар, сенаторлар назорати остига олиниши ҳамда парламент, унинг палаталари регламентларида муфассал тартибга солиниши лозим.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

Ойдин кўчалар

Faoliyat

ДЕМОКРАТИЯ ДАРСХОНАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Вилоят марказидаги Сомонийлар истироҳат боғида олиб борилган кенг кўламдаги таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари натижасида дам олиш маскани қайта чирой очди.

Ҳозирги кунда маҳалла фуқаролар йиғинларида 430 нафар маслаҳатчи Низом талаблари асосида фаолият олиб боришаяпти. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Бухоро, Когон шаҳарларида, шунингдек, вилоятнинг 11 та туманида ҳафтанинг ҳар шанба куни маслаҳатчилар семинар-ўқувлари йўлга қўйилган. Дунёвий ва диний билимларини янада бойитиш мақсадида маслаҳатчилар «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан 5,7 миллион сўмлик турли мавзудаги адабиётлар билан таъминланди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила мустаҳкамлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирларга алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу борада, аввало, вилоят соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, шунингдек, Бухоро тиббиёт институти ва бошқа олий ўқув юртлари, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, «Манавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Қишлоқ ва маҳаллаларимизда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш жамғармамизнинг доимий диққат марказида.

«Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари ҳам йилдан-йилга оммавий тус олаяпти. Шу йилнинг ўзида спортнинг бу турига ўн мингга яқин оила жалб этилди. «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонкуяри» республика кўрик-танловларида вилоятимиз маҳаллалари фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётганликлари қувончлидир.

Юртбошимиз иборалари билан айтганда, маҳалла демократия дарсхонаси вазифасини ўтаётир. Барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш мақсадида адлия, суд, ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорлик ўз самарасини бераяпти. Бунинг натижасида жиноятчиликнинг барча турлари кескин камайиб, соғлом турмуш тарзи барқарорлашмоқда.

Элимизда маҳалланг — ота-онанг, деган пурҳикмат мақол бежиз айтилмаган. Бугунги кунда ҳар бир маҳалла ўзига хос маънавият бўстонига, маърифат гулшанига айланган. Қадимий қадриятлар қадр топаётган ҳар бир маҳаллада эрта кўкламдан кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бошланади. Бу хайрли ишлар асосан ҳашар йўли билан амалга оширилади. Саховатпеша ҳомийлар кўмагида боғчалар, мактаблар, кутубхоналар, спорт майдонлари таъмирланиб, замон талабига мос равишда жиҳозлантирилади. Бир қарашда, маҳалла ўз-ўзидан катта бир оилани эслатади.

Ёшлар дунёқараши муносиб шаклланишида ҳам маҳалланинг ўрни беқиёс. Ҳар бир маҳалланинг файзи ҳисобланган нуроний отахон онахонларнинг доно ўгитлари, ибратли ишларининг ўзи бир мактаб.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
Бухоро вилояти

Qilmish-qidirmish

ФИРИБГАРЛИК ТУЗОҒИ

Ҳаётда турли феъл-атворли кишилар учрайди. Кимдир ҳалол меҳнати эвазига кун кечиришни ҳаётининг мазмуни деб билса, яна кимгадир енгил-елпи йўл билан бойлик топиш фикри тинчлик бермайди.

Ўзгаларни алдаб, кун кўрадиган кимсаларнинг хатти-ҳаракатини олиб кўрайлик. Уларнинг қилмиши фирибгарлик ҳисобланади. Фирибгарлик учун эса қонунда жазо белгиланган. Жумладан, Жиноят кодексининг 268-моддасида фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш деб таърифланган жиноий қилмиш учун муайян жазо белгиланган. Афсуски, ҳаётда ана шундай жиноятга қўл урган кимсалар учраб туради.

Жарқўрғон туманининг «Сурхон» ширкат хўжалигида яшовчи 22 ёшли Нормуҳаммад Каримов 2004 йилнинг бошида фирибгарлик жиноятини содир этгани учун ҳибсга олиниб, Термиз шаҳридаги тергов ҳибсхонасида сақланган. Тақдир тақозоси билан у бу ерда музработлик Турғун Шохаев, олтинсойлик Ойбек Бобоназаров, Қурбон Мардаев, шўрчилик Олим Йўлдошев, Йўлдош Кўчаров билан танишади. Ва ўзаро суҳбатлар чоғида ҳамхоналарининг қариндош-уруғлари кимлар-у, қайси манзилда истиқомат қилишини ёдида сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Ўша йилнинг охирида эса Нормуҳаммад тилхат орқали ҳибсдан озод этилади. Унинг жинояти бўйича иш материаллари судга оширилади. Ана шундай бир вазиятда у ўзи билан ҳибсхонада бирга бўлган Турғун Шохаевнинг Музрабод туманидаги уйига қора тортиб боради. Турғуннинг отаси Эргаш акага ўзини ҳибсхона бошлиғи ўринбосарининг ўғли бўламан, деб таништиради.

— Отам бу кеча турмада навбатчи. Хоҳласангиз, ўғлингиз билан учраштиришим мумкин, — дейди у Эргаш акага.

Табиатан анча содда Эргаш ака унинг гапига ишониб, қўшнисининг машинасида Нормуҳаммад билан бирга шоша-пиша йўлга тушади.

Улар Термиз шаҳрига етиб келишгач, Нормуҳаммад кутилмаганда бир ҳийла ишлатади.

— Сиз шу ерда кутиб туринг, мен зарур иш билан бир жойга бориб келаман, кейин ҳибсхонага борамиз, — дейди у Эргаш акага. Кейин у бошқа бир машина ёллаб, яна изига, яъни Эргаш аканинг уйига қайтиб боради. Уйда Эргаш аканинг қизи ёлғиз ўтирган экан.

— Отанг Термизда кутиб турибдилар. Менга уйдан пул олиб кел, деб юборди. Тезда пулни бу ёққа олиб чиқ, — дейди у қизга.

Содда қиз бу гапга лаққа ишониб, фирибгарнинг қўлига 425 минг сўм нақд пул, 25 минг сўмлик кийим, 70 минг сўмлик оёқ кийимини қандай тутқазганини ўзи ҳам билмай қолади.

Бу ёқда денг, Эргаш ака унинг йўлига кўз тикиб, кунни кеч қилади. Аммо ундан ўша кун ҳам, ундан сўнг ҳам дарак бўлмайди.

Қисқаси, орадан ўн кун ўтгач, у яна шундай ниятда Олтинсой туманига йўл олади. У бу гал ўзи билан ҳибсхонада бирга ўтирган Ойбек Бобоназаровнинг акаси Ибодулла Бобоназаровни «чув» туширади.

— Ойбек у ёқда бир кишини пичоқлаб қўйди. Пичоқланган кишининг аҳволи жуда оғир. Улиб-нетиб қолса, ундан ёмони йўқ. Шунинг учун дори-дармонга пул керак. Мен ўша ерда ишлайман, азбаройи Ойбекка юрагим ачиганидан бу ёққа келдим, — дейди у қуйинган оҳангда. Унинг ваҳимали сўзларини эшитиб, Ибодулла Бобоназаровнинг ҳуши бошидан учади ва у шоша-пиша 250 минг сўм нақд пул, 50 минг сўмлик дори-дармонни бериб юборади. Нормуҳаммад эса ҳийласи кутилмаганидан ҳам зиёда натижа берганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Ахир, қувонмай бўладими, кўз очиб юмгунча шунча бойликка эга бўлиб турибди?!

Орадан 3 кун ўтиб, Нормуҳаммад Олтинсой туманига – Қурбон Мардаевнинг онаси Салима Мардаеванинг уйига кириб келади.

— Мен турмада ҳаммол бўлиб ишлайман. Ўғлингиз оғир касал бўлиб ётибди. Унга азбаройи раҳмим келганидан чидаб туролмай келавердим, — дейди у. Бу совуқ хабарни эшитиб, Салима Мардаеванинг табиийки, ҳуши бошидан учиб кетади. Йиғлаб-сиқтаб Нормуҳаммадга ялиниб-ёлворади ва унга 60 минг сўм нақд пул, 10 минг сўмлик дори-дармон бераркан, қайта-қайта раҳмат айтади. Нормуҳаммад эса пайтдан фойдаланиб, Қурбоннинг хотинидан ҳам 40 минг сўм ундиради-да, жуфтакни ростлаб қолади.

Нормуҳаммад бу нопок қилмишининг оқибатини сира ўйламас, аксинча, режаси ҳамиздан қил суғургандек осон ҳал бўлаётганидан хурсанд эди. Шундан сўнг у Шўрчи туманига келади-да, ҳибсхонада танишган Олим Йўлдошевнинг қариндошларига ўзини Шиддат деб таништиради ва турмада ишлашлигини айтиб, улардан 10 минг сўм нақд пул, 30 минг сўмлик турли хил буюмларни шилиб кетади.

Орадан 2 кун ўтгач, яна Шўрчи туманига — Йўлдош Кўчаровнинг уйига келади.

— Мен Зоир Имомов бўламан. Ўғлингизнинг суди бузилиб, ҳибсхонага қайтиб келди. Термизда менинг гапим ўтади. Ўғлингиз билан учраштираман. Жазосини енгиллаштираман, — дейди Йўлдошнинг отасига ва ундан 250 минг сўм нақд пул ва 50 минг сўмлик турли буюм ва озиқ-овқатларни олиб, ғойиб бўлади.

Қисқаси, бу кимса фирибгарлик йўли билан одамларга бир миллион 331 минг сўм миқдорда моддий зарар етказади. Бундан ҳам ёмони, у одамларга қанча ташвиш орттиргани, руҳий азобда қолдирганини айтмайсизми?!

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фирибгарлик нафақат қабиҳ жиноят, балки инсоний аҳлоққа ҳам зид иллатдир. Фирибгарликнинг замирида осон йўл билан бойлик орттириш, меҳнатсиз даромадга эга бўлиш каби ғаразли ниятлар ётади.

Бундан ташқари, тажриба шуни кўрсатадики, одатда, содда ишонувчан кишилар эмас, ҳатто анчайин тажрибага эга одамлар ҳам фирибгарнинг тузоғига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Айниқса, кимнингдир бошига кулфат тушганида, яна кимдир бирор ишни қонуний йўл билан ҳал қилолмасдан турганида фирибгар ҳозиру нозир бўлиб, ишончга кириб олади.

Албатта, Нормуҳаммаднинг юқорида баён этилган қилмишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Шунингдек, унинг алдовига осонгина ишонган кишиларнинг ҳам айби йўқ эмас. Айтмоқчимизки, алданган кишиларнинг ҳечқурса биттаси фирибгарнинг алдовига дарров ишонмай, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат сўраганида ҳам бу жиноятнинг олди олинган бўларди.

Хадича РАҲИМОВА,
Шўрчи тумани

Содиқжон ота кечки пайт уйига қайтганида уйига кичик қудаси Лобархон, қўшниси Ҳафизахон келишган ва ичкари уйда ўғли Холиқжон, хотини Кимсаной, келинлари Нафиса ва Раъногонлар билан бирга алланимани қизғин муҳокама қилиб ўтиришарди. Ота меҳмонлар билан салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўраштди-ю, уларнинг суҳбатига аралашмай, айвондаги сўрига бориб ёнбошлади. У йиғилганларнинг суҳбати нима ҳақида эканлигидан фақат ярим тунда, ўғли Холиқ машъум жиноятга қўл ургач, хабар топди...

Jinoyat va jazo

РАШК АЛАНГАСИ

Суд очерки

Раъно тоғдаги Ҳушёр қишлоғининг энг сулув, кўзга яқин қизларидан бири эди. Шоир тили билан айтганда, унинг ҳуснига ҳатто тўлин ойнинг ҳам рашки келарди. Шу боис унинг қишлоқ йигитлари орасида ошиқлари кам эмасди. Бироқ қиз ўзидан икки ёш кичик Хушнудбек исмли йигитга кўнгил қўйди. Севги ёш танламайди, деб шунга айтишса керак-да. Хушнудбек эса бундан жуда бахтиёр эди. Ахир, кимсан, қишлоқнинг энг хушрўй қизи уни деб турса, қувонмай бўладими?!,

Қисқаси, икки ёш кўпинча Раъногонинг уйи яқинидаги хилват гўшада учрашарди.

— Мен сизга ўзимга ишонгандек ишонаман, — дерди қиз йигитга.

— Мен ҳам сизни ҳеч қачон ташлаб кетмайман, — дерди бунга жавобан Хушнудбек.

Шу зайлда орадан икки-уч йил ўтди. Икки ёш кўпдан-кўп аҳду паймон қилишди. Шундай кунларнинг бирида Раъногонинг уйига Холиқ деган ҳамқишлоқ йигитдан совчилар кела бошлади. Бундан Раъно ини бузилган қалдирғоч сингари ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Унинг кўзига Хушнудбекдан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Шунинг учун у жўрьат қилиб, онасига кўнглини ёрди. Аммо онаси унинг кўнглига қараб ўтирмади, куёвликка Хушнудбекдан кўра, Холиқни муносиб кўрди. Натижада совчиларнинг иккинчи келишида нон ушатилиб, фотиҳа ўқилди. Тез орада Холиқ билан Раъногонинг тўйи бўлиб ўтди.

Йиғлаб-сиқтаб суймаган кишисига турмушга чиққан Раъно аввалига тақдирнинг ҳукмига кўникмасдан бўлди. Бироқ кунлар ўтган сайин барибир Хушнудбекни унутиб юборишга ожиз эканини, у юрагининг туб-тубидан бир умрга жой олганини ҳис этдию, кўнгли баттар аламга тўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

Ироқ: Яна қон тўкилди

Ирокда муборак Рамазон ойининг илк куни ҳам қонли кечди. Аниқроқ айтганда, шанба куни Бағдоднинг шимоли-шарқий ҳудудида мотоциклда ўрнатилган бомба портлаши оқибатида тўққиз нафар тинч аҳоли вакили ҳалок бўлди, саккиз нафари эса оғир тан жароҳати олди. Портлаш одамлар рўзаи рамазонни нишонлаш мақсадида йиғилган ресторан яқинида содир этилди.



Бундан ташқари Бағдоднинг Мадинат-Садр шиа мавзесида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчаси ёнидаги портлаш натижасида эса 32 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 34 нафар киши жароҳатланди. "Жунд ас-саҳоба" террорчилик гуруҳи томонидан содир этилган бу хунрезликнинг қурбонлари аёллар ва болалардир.

Шунингдек, Бағдод яқинидаги Ниайрияда жангарилар 8 нафар кишини отиб ташлади. Бағдоднинг жанубида жойлашган Ал-Маҳмудия шаҳрида эса ўтган шанба куни отиб ўлдирилган 34 нафар кишининг жасади топилди.

Венесуэла АҚШ устидан арз қилди

Венесуэла мамлакат ташқи ишлар вазирининг Нью-Йорк аэропортида ушлаб турилиши муносабати билан БМТ ҳамда АҚШ ҳукуматига расмий шикоят билан мурожаат қилди.

Ўз навбатида АҚШ Давлат Департаменти Кеннеди аэропортида бир ярим соат ушлаб турилган Венесуэла Ташқи ишлар вазири Н. Мадуродан кечирим сўради.

Яна икки атом электр станцияси

Эрон яна икки янги АЭС қурилишига тендер эълон қилиш арафасида турибди. "Новости" ахборот агентлигининг маълум қилишича, бу ҳақда мамлакат вице-президенти, Эрон атом энергияси Ташкилоти раҳбари Ғулом Ризо Оғазода баёнот берган.

«Ҳозирги кунда ҳар бири 1000 МВт қувватга эга икки янги АЭС қурилиши учун зарур ҳужжатлар тайёрланди. Бироқ тендер эълон қилиш учун сиёсий вазиятнинг яхшиланишини кутаяпмиз", - деди Оғазода.

Японияда автоҳалокат

Катта тезликда келаётган микроавтобус тарбиячилар билан биргаликда йўлакда кетаётган 30 нафар японияли боғча болаларини уриб кетди. Натижада икки бола шу ернинг ўзидаёқ жон берган, яна бир гўдак жонлантириш бўлимига ётқизилган. Машъум ҳалокат Кавагути шаҳрида рўй берган. Дастлабки хулосаларга кўра, микроавтобус ҳайдовчиси машинани бошқара олмай қолган.

Интернет хабарлари асосида Отабек НАҲАНОВ тайёрлади.

«Huquq va burch» tanloviga

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ

Ҳар бир мустақил демократик давлатнинг устувор вазифаларидан бири ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни қонун орқали кафолатлашдир. Конституциямизнинг **«Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари»**, деб номланган 10-боби, 44-моддасида: **«Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади»**, деган қоида мустаҳкамланган. Шунингдек, **«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги ва **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонунлар уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, таклиф, ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқишни кафолатлайди.

Судга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоятлар бериш, суд томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар Фуқаролик процессуал кодексининг 27-бобида ўз ифодасини топган. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори идорага, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли. Бўйсунуй тартибидаги юқори идора ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой ичида кўриб чиқишлари лозим. Агар фуқаро шикоятига рад жавоби олса ёки белгиланган бир ой муддат ичида жавоб ололмаса, у шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаронинг судга шикоят қилиши учун Фуқаролик процессуал кодексининг 270-моддасига асосан қуйидаги муддатлар белгиланган: **Фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганидан хабардор бўлган кундан бошлаб уч ой муддатда; юқори идорадан, мансабдор шахсдан шикоятини қаноатлантиришни рад этгани ҳақида ёзма маълумот олган кундан бошлаб бир ой, шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилган кундан бошлаб, бир ой муддатда шикоят қилиши мумкин.**

Шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, суд бу муддатни тиклайди. Судда ишни кўриш жараёнида фуқаронинг талаби асосли экани исботланса, шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракат (қарор) қонунга зид, деб топилади. Суд фуқаронинг талабини қаноатлантириш вазифасини юклайди, унга қўлланган жавобгарлик чораларини бекор қилади ёки унинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа йўллар билан тиклайди. Агар шикоятда келтирилган важлар исботини топмаса, суд шикоятни рад қилади.

Фикримиз далили сифатида фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди томонидан кўрилган бир фуқаролик ишини мисол қилиб келтириш мумкин. Фуқаро А.Расулов (исм-шарифи ўзгартирилган) судга ариза билан мурожаат этиб, ўзига 2003 йил 13 октябрда Нуробод туман Жом ширкат хўжалигининг 31-сонли умумий йиғилиши қарори билан «Оқсув» массивидан 0,5 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида қарор чиқарилганини ёзади. 2005 йил 19 мартда туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан «Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги гувоҳнома ҳам берилган. Бироқ ер ажратиб бериш тўғрисида Нуробод туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи О.Рустамовга бир неча маротаба мурожаат этганига қарамай, у ерни ўлчаб бермай, сарсон қилиб келаётганини баён қилган. Кейинчалик ўтказилган текшириш давомида А.Расуловнинг аризасидаги важлар ўз тасдиғини топди.

Бироқ ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги Жом ширкат хўжалигининг 31-сонли умумий йиғилиши қарори Нуробод туман ҳокими қарори билан тасдиқланган ва тегишли давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Ер кодексининг 23-моддаси, 2-қисмида ер участкаларини ажратиб бериш туманлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган. Суд иш ҳолатларини ўрганиб чиқиб, тарафларнинг берган кўрсатмалари ва қонун талаблари асосида мазкур иш юзасидан ФПКнинг 100-моддаси, 1-қисми талабидан келиб чиқиб, иш юритишни тугатиш ҳақида асосли хулосага келган.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш учун қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда қонунчилик меъёрлари оддий ва тушунарли бўлишига эришишимиз лозим.

Б.ХИДИРОВ,
ҳуқуқшунос

Sirli dunyo

Дунё ғаройиботларга тўла. Баъзан ҳаётда шундай воқеаларга дуч келасанки, қўриб кўзингга, эшитиб қулоғингга ишонмайсан. Бугун биз техника асри, компьютер асри, деб атаётган XXI асрда ҳам дунёнинг аллақайси хилват гўшасида ҳамон ёввойи одамлар, тарих саҳифаларида ўқиганимиздек, ибтидоий жамоа тузуми даврида яшаётган қабилалар ҳам йўқ эмас. Масалан, Индонезиянинг шарқий Янги Гвинея ороллари шундай қабилаларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик...

ЁВВОЙИЛАР ОРОЛИ

Дунёдан узилиб қолган бу орол аҳолиси бундан беш минг йил муқаддам қандай яшаган бўлса, ҳозир ҳам шундай ҳаёт кечиради. Улар инсоният эришган тараққиёт, яшаш тарзидан буткул узилиб қолган.

Яқинда ана шу қабила аҳолиси орасида бўлиб қайтган тадқиқотчи Георгий Зотов ўз саёҳати тафсилотлари ҳақида «АиФ» газетасининг 2006 йил 21 сентябрь сонида батафсил баён қилди.

Тадқиқотчининг ёзишича, Папуа ва Янги Гвинея оролида яшайдиган бу қабила ибтидоий кўринишда, ўзига хос тарзда ҳаёт кечиради. Ҳайратланарли томони шундаки, қабила эркаклари онадан туғилгандек буткул ялангоч юрадилар. Аёлларнинг эса қўллари тўмтоқ. Чунки қабила аёллари ўз бармоқларини ярмидан кесиб ташлаши қаъий удумга кирган.

Бу қабиланинг ҳаёт тарзи ҳақида яқин-яқингача маълумотлар, етарли манбалар бўлмаган. Георгий Зотов биринчилардан бўлиб қабила аҳлининг ҳаётини ўрганишга киришди. Аввалига кўпчилик унинг сўзларига ишонмади. Кейинчалик бу ўлкага ташриф буюрган баъзи сайёҳларнинг сирли ғойиб бўлишлари бошқаларда ҳам шубҳа уйғота бошлади.

– Ана шундан кейингина полиция ходимлари менинг тадқиқотларим натижалари билан қизиқа бошлашди, – деб ёзади Георгий Зотов. – Улар мен билан бирга Папуа оролини ўрганишга киришишди. Биринчи сафарим давомида мен олган айрим суратларни кўрган полиция раҳбарларидан бири «ҳеч кимга бу ваҳимали ўлкага боришни маслаҳат бермасдим», дегани ҳамон ёдимда.

Шуни айтиш жоизки, Папуа оролининг табиий манзараси нечоғлик гўзал бўлмасин, у шунчалик ваҳимали ҳамдир. Устига устак орол аҳолисининг ташқи қиёфалари жуда қўрқинчли. Айниқса, қўл бармоқлари қирқилган аёлларни кўрганингизда беихтиёр сесканиб кетасиз. Тўғри, биринчи сафарим давомида мен ҳам қабила аҳлининг одамхўр эканлигига ишонмадим. Назаримда, улар бор-йўғи дунёвий тараққиётдан узилиб қолган одамлар эди. Бироқ кейинчалик бирданига уч нафар сайёҳнинг бедарак йўқолиши кўнглимда шубҳа уйғотди. Қолаверса, Папуа оролининг бошқа қабилалари аҳолиси ҳам тез-тез ғойиб бўлиб қоларкан. Буларнинг бари кўнглимдаги шубҳанинг баттар кучайишига сабаб бўлди. Ва шунинг таъсирида жиддий қузатув олиб боришга киришдим.

Шуни айтиш керакки, каннибаллар қабиласи яшайдиган ўлканинг чор атрофи қалин ўрмон билан ўралган бўлиб, унинг ичига кирган одамнинг қайтиб чиқиши даргумон. Бу ўрмонда уч ой аввал хитойлик бир сайёҳ йўқолиб қолган эди. Уни қидириб-қидириб, охири Карафай деган қабиладан топишга муваффақ бўлдик.

Афсуски, сайёҳнинг фақатгина бош чаноқ ҳамда тизза суяги қолган экан, холос...

Бу воқеадан сўнг Янги Гвинея оммавий ахборот воситаларида бир-биридан қўрқинчли ва шов-шувли мақолалар эълон қилина бошланди. Шу тариқа Янги Гвинеяда ҳамон ёввойи қабилалар яшаши бутун дунёга маълум бўлди.

Георгий Зотовнинг «Болиянинг олис ва яқин қирғоғи: зиёратга рухсат бор» сарлавҳали мақоласининг эълон қилиниши эса яна янгидан-янги шов-шувларга сабаб бўлди. Қуйидаги воқеалар ҳам ана шу муаллифнинг мақоласидан олинган.

ПОМИДОРГА АЙЛАНГАН БОШ

Индонезия мамлакатининг шарқий ороллари дан бирида жойлашган Папуа ороли бош-адоғи кўринмайдиган ўрмонлардан иборат бўлиб, бу жойларда машинада юриб бўлмайди. Ўрмон ичида яшайдиган аҳоли қуёшни деярли кўрмайди. Шунингдек, ўрмонда турли касалликлар тарқатувчи чивин ва заҳарли илонлардан бошқа бирор-бир жонзотни учратмайсиз. Ўрмон ичида жойлашган қабилаларга эса фақатгина кичик – «Фоксер» русумли самолётларгина қўниши мумкин. Бунинг устига ўрмондаги бир қабиладан иккинчисига пиёда бориш учун эса роппа-роса бир ой вақт кетар экан. Г.Зотовнинг мақоласидан сўнг ташкил этилган тадқиқот экспедицияси Гвинея ўрмонлари бўйлаб саёҳат қилар экан, кишини ҳайратга солувчи бир-биридан ғаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўлиш билан бирга, ҳали бирорта экспедиция дуч келмаган янгидан-янги қабилалар, ўзларидан бошқа ҳеч бир инсонни умрида кўрмаган ёввойи одамлар борлигини қайд этишган. 2002 йилда австриялик олимлар маҳаллий аҳоли тоғ қоясида уй қуриб яшаётгани ҳамда қўзиқоринни маъбудга айлантириб сиғиниши, сўнг уни иштаҳа билан танаввул қилиши ҳақида маълумот берадилар. Аммо экспедиция аъзолари ҳам бу қабила аҳлининг одамга тажовуз қилишини сезишмаган.

Манбаларда келтирилишича, 1960 йилда бу қабилага ташриф буюрган вице-губернатор бошчилигидаги делегация ҳам папуаликларнинг ўлжасига айланган экан. Яъни каннибаллар барча делегация аъзоларини «паққос» туширган. Маҳаллий ҳокимият эса уларни бедарак йўқолганлар рўйхатига тиркаб қўя қолган.

Бугунги кунга келиб эса қабилаларда одамхўрлар сони тобора ортиб бораётгани қайд этилмоқда. Маҳаллий полициячиларнинг берган маълумотларига қараганда, бир ойда ўртача 40 нафар киши бедарак йўқолади. Шунинг учун Индонезия полициячилари асосан каннибализм юзасидан тергов ишлари олиб бориш бўйича дунёда «етакчи» ўринда туради.

Тадқиқотлар натижасига кўра, Борнео оролида жойлашган Диякс қабиласи ваҳшийлик бўйича бошқа қабилаларга нисбатан анча «ўзиб» кетган. Буни қарангки, улар одамларни сўйиб, бошлари то помидордек қизаргунча қуёшда қуритишар экан. Ўрмонда яшовчи папуаслар эса диякларга нисбатан анча «беозор» қабила саналади. Гап шундаки, улар четдан келганларга кўнгилхушлик учун тажовуз қилишмайди. Фақат ҳаёт тарзига бемаврид аралашишга уринганларни аяб ўтиришмайди. Яна қизиқ томони шундаки, улар мамлакатнинг барча аҳолисини ўзларига қондош санар экан. Эҳтимол, шу боисми, «биз қондошларга тажовуз қилмаймиз», қабилида иш тутишаркан.

Георгий Зотов ўз мақоласида «Сиз учун бу қабилалар аҳолисининг одамхўрликка оддий қараш-лари ғайритабиий ҳодиса бўлиб туюлиши мумкин, лекин бу уларнинг ҳаёт тарзига айланган», — деб ёзади.

Ушбу мақолада Карафий қабиласи ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу қабила жангарилари дарахт шохларига қурилган чайлаларда яшаб, 20 метр баландликдан туриб ўлжаларини кутадилар. Шунинг учун ҳам уларни «дарахт одамлари», деб аташади.

Каннибализм дардига чалинган тоғлик қабилалар орасида Яли қабиласи ўта ёвуз саналади. Гвинеядаги бошқа қабилалар эса нисбатан «маданиятли» ҳисобланиб, агар деҳқончиликдан яхши ҳосил олишмасагина бу ишга қўл уришга «мажбур» бўладилар. Яъни қўшни қабилаларга ҳужум қилиб, мағлуб бўлган қабила вакилларини ўлжага олишади.

ДУДЛАНГАН ОДАМ

Вамена қабиласига борган киши ўзини беихтиёр тош асрига тушиб қолгандек ҳис қилади. Тарихий манбааларда келтирилишича, тош асрида илк марта олов кашф этилиб, одамлар гўштни оловда тоблаб истеъмол қилганлар. Бу қабиладаги папуаслар ҳам тош асридаги одамларни эслатади. Масалан, эркак папуаслар олдини турли воситалар билан тўсиб олган, аёллар эса пальма барглари дан юбка қилиб киядилар. Тоғлик қабилалар аҳолиси 15 километрлик масофани бемалол югуриб босиб ўтишади. Уларнинг ҳам маданий марказлари: бозорлари, черковлари бўлиб, бу жойлар доимо аҳоли билан гавжум. Улар деярли яланғоч бўлсалар-да, ибодатни канда қилишмайди. Кишини ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, дин уларнинг миллий удумларига асло халақит бермайди. Агар қариндош-уруғларидан кимдир оламдан ўтса, дин қоидалари бўйича дафн этадилар. Яна бир гап. Марҳумнинг яқинларига таъзия билдирмоқчи бўлган қабиладошлар ўз бармоқларидан бирини кесиб ташлайди. Кесилган бармоқ эса марҳумнинг тобути билан бирга кўмилади. Георгий Зотов бу қабила вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлиб, ўз кўзи билан кўрганларини қуйидагича ҳикоя қилади:

— Менга йўлбошчи бўлган киши Яли қабиласидан экан. У менга агар ерлик аҳолига пул бермасанг, сени ҳам картошкага қўшиб, пишириб юборишади, деди. Шунда мен Гида исмли йигитни 200 АҚШ долларига ёллаб, у орқали маҳаллий аҳоли билан тил топишмоқчи бўлдим. Гида инглиз тилида бироз бўлса-да, сўзлаша олар экан. Биз секин-аста Вомена қабиласи томон борардик. Йўлбошчимнинг маслаҳати билан чўққа сотиб олгандим. Буталар оралаб кириб борсак, ёввойи одамлар базм қилиб ўтиришган экан. Бирдан қоп ичидаги чўққа чийиллаб юборди, чўчиб кетганимдан оёғим билан балчиққа ботдим...

(Давоми бор)

«АиФ» газетасидан
Зафар ЁҚУБОВ таржимаси

Mitti maslahat

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОСИ

у қандай тартибда никоҳдан ўтказилади?

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли ҳар бир муносабат янгича мазмунмоҳият касб этди. Буни биргина никоҳга, яъни оилавий муносабатларга киришиш масаласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, истиқлол шарофати билан МДҲ давлатлари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг хорижда яшовчи фуқароларининг никоҳини қайд этишда ҳам бир қатор эркинлик яратилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс қандай тартибда никоҳдан ўтказилади?

Амалдаги Оила кодексининг 234-моддасида **«Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар»**, дея белгиланган. Шунга кўра, ФҲДЁ идораларига Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг МДҲ мамлакатлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳни қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва Ўзбекистон фуқароси ўртасидаги никоҳ агар ушбу шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визаси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина қайд этилади. Россиядан ташқари МДҲ давлатлари ва чет эл фуқаролари визасининг ҳақиқийлиги ИИВ хорижга чиқиб келиш ва фуқаролик бошқармаси ва унинг тегишли бўлимлари орқали аниқланади. Шунингдек, чет эл фуқароларининг никоҳни қайд этишда аввало, ўша давлатнинг мазкур никоҳга розилиги талаб қилиниб, шу орқали никоҳни қайд этиш учун монеъликлар бор ёки йўқлиги аниқланади. Масалан, ушбу никоҳ чет давлатнинг қонунларига зид бўлса, никоҳдан ўтувчи чет эл фуқароси Ўзбекистонда белгиланган никоҳ ёшига етмаган ёки ўз мамлакатида икки ёки ундан ортиқ хотин олиш ҳуқуқига эга бўлганда ҳам Ўзбекистон ҳудудида унинг никоҳи қайд этилмайди. Бу талаблар чет эл фуқароси билан никоҳга кирувчи Ўзбекистон фуқаросининг ва бу никоҳдан туғиладиган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунингдек, чет элликлар билан никоҳни қайд этишда аризага чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва таржимаси илова қилинади.

Ўзбекистон фуқароси билан никоҳга кираётган чет эл фуқаролари ўз мамлакатларида маълум бўлган ҳуқуқий имтиёзларни талаб қилишга ҳақли эмаслар. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда никоҳ тузиш шартлари эса улар доимий яшаб турган давлат қонунларига итоат этади. Агар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистонда доимий яшаса, унинг никоҳи Ўзбекистон қонунларига асосан қайд этилади.

Муҳайё ОХУНЖОНОВА,
ҳуқуқшунос

Олтин куз манзараси

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимлар бўйича танлов эълон қилади:

1. «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар, ўқитувчи — 1 нафар;
2. «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
3. «Маъмурий ва молия ҳуқуқи» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
4. «Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
5. «Халқаро хусусий мулк» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
6. «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
7. «Фуқаролик процесси» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;
8. «Жиноят процесси» кафедраси бўйича профессор – 1 нафар;
9. «Криминалистика» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
10. «Факультетлараро тиллар» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
11. «Факультетлараро хорижий тиллар» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
12. «Факультетлараро ижтимоий гуманитар фанлар» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлари ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона, 40-хона. Телефон: 136-09-39, 133-48-66.

Jinoyat va jazo

РАШК АЛАНГАСИ

Суд очерки

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Аммо бунга қарамай, у кескин бир қарорга келишга шошилмади. Кейинчалик эса кўнгил изига бўйсуниб, ўзи туғилиб ўсган ҳовлида Хушнудбек билан учрашишдан ҳам ўзини тиёлмади...

Орадан кўп ўтмай, Хушнудбек шаҳарга ишлагани борадиган бўлиб қолди.

— Телефон орқали хабарлашиб турамиз, — деди у Раънонинг кўнглига таскин бераркан.

Чиндан ҳам, у шаҳарга бориб, иш бошлагач, дам-бадам уйида телефони бор ҳамқишлоқларникига қўнғироқ қилиб, унинг аҳволини сўраб турди. Аксарият ҳолларда унинг ўзини чақиртириб гаплашди. Кўп ўтмай эса, Раънонинг ўзи қишлоқ марказидаги шаҳарлараро сўзлашув пунктига бориб, Хушнудбек билан гаплашиб келадиган одат чиқарди. Аммо...

Аммо эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек, кунлардан бир кун Раънонинг табиатидаги ўзгаришлардан Холиқнинг онаси хабар топиб қолди. Бироқ фарзандининг тинчини ўйлаб, тишини-тишига қўйди.

Бир кун Раъно уйда ёлғиз ўтирган пайт қишлоқ шифохонаси ҳайдовчиси Комил Мардонов эшик қоқиб келиб қолди. У Хушнудбекнинг қўнғироқ қилгани ва унинг аҳволини сўраганини айтди.

— Келин, — деди сўнг Комил ака у ёқ-буёққа олазарак қараб оларкан. — Хушнуд салдан кейин қўл телефонимга қўнғироқ қиладиган. Мен билан бирга борсангиз, ҳолироқ жойда гаплашиб оласиз.

Шундан сўнг «элчи» Раънони машинасида қишлоқ четига олиб борди. Ҳақиқатан ҳам, кутилган пайтда Хушнудбек телефон қилди, улар анча пайт суҳбатлашишди.

Бу воқеадан сўнг орадан уч-тўрт кун ўтди. Ўша кун эрталаб Холиқ, онаси ва хотини даладаги боғларига боришди. Боғдаги юмушларни бажариш асосида қишлоқда кундан-кун болалаб кетаётган «миш-миш»лардан тоқати-тоқ бўлган она ахийри келинига сездирмай ўғлига сўз қотди:

— Сенинг хабаринг борми — йўқми, билмадим-у, аммо қишлоқда Раъно билан Хушнудбек ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юрибди...

Аслини айтганда, Холиқ ҳам тўрт кун бурун бу ҳақда эшитган, бироқ кўзи билан кўриб, қўли билан ушламагани боис индамай қўя қолганди. Онасининг ҳозирги гаплари эса унинг қалбидаги шубҳа-гумонларни баттар аланга олдириб юборди. Аммо шу тобда аламини ичига ютиб, Раънога лом-мим демади. Фақат оқшом маҳал Хушнуднинг онаси Ҳафиза опани уйига айтиб келиб, масалага ойдинлик киритмоқчи бўлди.

— Ўлимдан хабарим бор, аммо бу гаплардан хабарим йўқ. Ҳаммаси туҳмат гаплар, — дея Ҳафиза опа оёқ тираб туриб олди.

Қисқаси, Ҳафиза опа билан гаплашгач ҳам Холиқнинг ғаш тортган кўнгли ёришмади.

Эртаси куни ҳам улар яна боғда меҳнат қилиб, кунни кеч қилишди. Кечаги воқеа сабаб Холиқнинг қўли сира ишга бормади. Аммо барибир унинг кўнгли таскин топмади, аксинча, ич-ичидан хотинини ёмон кўриб кетди. Шу боис кечга томон уйга қайтишгач, яна «разбор»ни бошлади. У аввалига қайнонаси Лобархонни уйига чақиртириб келди.

— Ая, Хушнуд Россиядан Раънога телефон қилибди, деб эшитдим. Нега бундай бўляпти-а? — дея сўради у кесатиқ оҳангида.

— Шунақами? — деди ўз навбатида Лобархон худди ҳеч гапдан хабари йўқдек қизига юзланиб.

Раъно эса жимгина бошини қуйи солди.

— Тунов куни Комил аканинг машинасида қаёққа бординг? — дея Холиқ жазавага тушган қўйи хотинини сўроққа тутди.

Раъно эса қутилмаганда дадил тортиб, ўламан саттор, ҳаммаси ёлғон, дея ўзини оқлашга тушди.

— Ҳозир Комил акани айтиб келиб, сен билан юзлаштираман. Агар шунда ҳам тонсанг, ўзингдан кўр, — дея Холиқ шаҳд билан ўрнидан туриб, уйдан чиқди. Аммо у беш-олти қадам юриб, қутилмаганда изига қайтди-да, эшикни очиб, Раънони ташқарига чақирди. Сўнг уни ҳовлининг нариги тарафидаги уйга бошлаб кирди. Холиқнинг жисму жуссасини рашк, алам ва ғазаб ўти беаёв ёндирарди. У айни дамда ўч олишни, бутун қаҳру ғазабини сочиб, аламдан чиқишни истарди. Бунинг устига у ўч олиш режасини кеча тузиб қўйган, аниқроқ айтганда, уйга «Белка» русумли ов милтиғини яшириб қўйганди. У хотинини уйга бошлаб киргач, тўсатдан милтиқнинг қўндоғи билан хотинининг ўнг елкасига зарб билан туширди. Қутилмаган бу зарбдан Раъно бирдан ҳушини йўқотиб, юзтубан йиқилди.

Ғазабдан ақлу ҳушини буткул йўқотган Холиқ милтиқнинг учини Раънонинг юзига тўғрилаб тепкини босди...

Ўқ товушидан сўнг Холиқ бирдан ҳушёр тортди. Раъно оёғи остида ётар, унинг бошидан оққан қондан гилам қип-қизил тусга кирганди. Шу пайт бирдан Холиқнинг калласи «ишлаб» қолди. Яъни у жиноятини яшириш мақсадида дарҳол «рол»га киришди:

— Раъно, Раъно, нима қилиб қўйдинг? — дея у хотинининг жонсиз танасини қучоқлаб бақиришга тушди.

Кейин бу фожиадан хабар топган аёллар бақириб-чақириб уйга киришди. Шу заҳотиёқ «Тез ёрдам» чақиришди. Бироқ энди юз берган фожианинг олдини олишга ҳеч қандай куч қодир эмасди.

Раъно Мақсудованинг ўлими юзасидан бошланган тергов жараёнида Холиқнинг ҳийласи чиппакка чиқди. Унинг ўз айбини тан олишдан ўзга чораси қолмади. У нафақат қасддан одам ўлдириш, балки ноқонуний равишда қўқтар қурол сақлаш жиноятини ҳам айбли деб топилди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судида бўлиб ўтган суд мажлисида Холиқ Жўраевнинг қилмишлари юзасидан адолатли ҳукм ўқилди.

Бу машъум фожиа кўпчиликка сабоқ бўлиши лозим. Оиласидан тинчиган жувон кўнгил майлига эрк бермаганида, Хушнуд бировнинг «ошига қошиқ» суқмаганида, Холиқ босиқлик билан иш тутганида фожиа юз бермасмиди... Зеро халқимизда, бирни кўриб фикр, мингни кўриб зикр қил, деган нақл бежиз айтилмаган.

Олимжон АЛИЖОНОВ,
ҳуқуқшунос,
Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Хоразм вилояти адлия бошқармаси қошидаги Адвокатлар бўйича малака комиссиясининг 2006 йил 15 июлдаги қарорига асосан Бекчанов Кудрат Атаджанович номига адлия бошқармаси томонидан 2001 йил 12 октябрь куни берилган HZ — 000093 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-1115. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5